

---

## ШАРАФЛИ ҚАСБ ЭГАСИ ТАҚДИРЛАНДИ

Энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан аҳоли саломатлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари учун бир гуруҳ шифокорлар “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландилар. Улар қаторида туманимиз аҳолиси тиббий маданиятини юксалтиришда, улар саломатлигини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб келаётган тумандошимиз, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Бахтиёржон Мамажонов ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида Бахтиёржон Мамажоновга бошқарма бошлиғи А. Тўхтақулов кўкрак нишонини тантанали топширди. Кўп сонли муштарийларимиз ҳамда туманимиз аҳолиси номидан нишон соҳибини муборакбод этамиз!

2022-09-14 11:33:06